

НОМУС

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг тамошабинларга Янги йил арафасида қилган совғаси шундай аталади. Бу спектакль қардош арман адабиётининг таниқли вакили Александр Ширванзодадин «Номус» асарига асосда яратилган. Драмани Мирзакалон Исомиллий ўзбек тилига таржима қилган. Унда арман халқининг ўтмишдаги аянчли ҳаёти зўр маҳорат билан тасвирлаб берилган.

Янги спектаклни Островский номидаги Тошкент театр расмонилик санъати институтининг 5-курс студенти, қобилияти ёш режиссёр Дамир Шокиров сахналаштирган. Саҳна бошқарилган Ўзбекистон ССР халқ раёсони Х. Икромов ишлаган. Бош ролларни ижро этган театрининг етакчи артистлари билан бирга ёш талантлар ҳам асарни муваффақиятли чиқаришга катта ҳисса қўшишган.

«Номус» спектаклини пойтахтнинг тамошабинлари зўр қизиқиш билан кўтиб олдилар.

Суратда: «Номус» спектаклидан бир саҳна. Сейран ролада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зикир Муҳаммаджонов ва Сусана ролада артистка Яйра Абдуллаева.

А. Абалан фотоси.



ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ЕШ ФУТБОЛЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахт ёшлар футбол командаларининг шаҳар кубоғи учун ўтказилган мусобақалари тамом бўлди. Дастлабки учрашуларда муваффақиятли ўйнаган Тошкент тўқимачилик комбинатининг ва «Динамо» спорт жамиятининг футболчилари финалда курашди. Ҳуқуқини олган эдилар. Кескин спорт кураши билан ўтган финал учрашувда еш тўқимачилар 3:0 ҳисоби билан ғалаба қозониб, кўча кубоғини қўлга киритдилар. Ғолиблар биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

ГАНДБОЛ ЧЕМПИОНЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг хотин-қиз гандболчилар командаси шаҳар биринчилиги мусобақаси финалида Низомиёй номи Тошкент давлат педагогика институтини номандаси билан учрашди. Бу ўйинда 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозongan комбинат спортчилари Тошкент чемпиони номини олдилар. Улар Тбилисда ўтказилган гандболчиларнинг зоналараро биринчилигида қатнашдилар.

Р. ИБРОҲИМОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ЛЕКТОРИЙСИ

Оҳангарон ГРЭСидаги жалолов, Б. Боликоев, бўлди. У ахшидаб жи-лекторий мақтовга сазовор ишларни қилмоқда. Лекторийга қури-лиш бошқармасида хиз-мат қилувчи инженер, техник ва экономист-лардан 20 дан ортиқ киши жалб этилган. Улар қурилиш участка-лари, клуб, ётоқхона-ларда сийсий-иқтисодий, илмий-техник ва атеис-тик темаларда 165 лекция ва доклад ўқи-дилар. Инженерлардан В. Атаманчук, А. Мир-

Машиҳур олим ва доктор

Микробиологлар, эпидемиологлар ва инфеционистлар республика илмий жамияти ҳамда Тошкент Давлат медицина институти коллективлари яқинда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, ТашМининг инфецион касалликлар кафедрасининг mudiri профессор Турсун Нажмиддиновнинг туғилганга 60 йил, врачлик, илмий-педагогик фаолиятига 33 йил тўлган кунини нишонладилар.

Профессор Т. Нажмиддинов 1928 йилда Тошкент Давлат университетининг медицина факультетини тамомлаб, академик А. Н. Крюкин раҳбарлигида клиника ординатори вазифасида ишлаб олган. Гастритли врач республикада брутеллез касалига қарши курашда актив иштирок этди. Брутеллез касали буйича босилиб чиққан илмий ишларини тўплайди. Бу асар учун 1934 йилда медицина фанлари кандидати деган илмий даража берилди. Ордан Ун йил ўтган Т. Нажмиддинов Ўрта Осиёда кенг тарқалган безгак касали

буйича диссертация ёзиб, фан доктори номини олишга муваффақ бўлди. Унинг бу катта илмий иши Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда безгак касалини батамом тутатишда катта роль ўйнади. 1945 йилда олмига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди.

Профессор Т. Нажмиддиновнинг брутеллез касали буйича ёзилган илмий ишлари чет элларда ҳам машҳурдир. Докторнинг тахрири остида чиқарилган инфецион клиника доир илмий ишлар тўлаими (шу тўп-ламда олимнинг муҳим илмий иши босилган эди) 1954 йилда хитой ва инглиз тилларига тар-жима қилинган. Унинг брутел-лез касали буйича ёзилган монографияси Польша ва Аргентинада ҳам катта шухрат қозongan. Умуман профессор Т. Нажмиддиновнинг 33 йиллик фаолияти даврида 85 та илмий иши босилиб чиққан, шулардан 7 таси монографиялардир.

Машиҳур олим ўзининг бой тажрибасини ёш врачларга ба-жонидил ўргатади. У 12 фан кандидатини тарбиялаб етиш-тирди, шулардан беш киши ма-халлий миқдотда вакиллари-дир. Профессорнинг меҳнати син-ган врачлардан Алексеев, Ил-хомов ва Ганиев ўроқлар Фрунзе, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги медицина муас-сасаларида инфецион касал-ликлар кафедраларига раҳбар-лик қилмоқдалар. Ҳозир олим тўрт илмий докторнинг дис-сертациясини ёзишга раҳбар-лик қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасала-рида узоқ йил давомида сама-рали ишлаб келатгани учун профессор Т. Нажмиддинов ҳу-кумат томонидан икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мунофотланди.

Юбилей муносабати билан машҳур олим ва тажрибали педагогнинг номига кўп жой-лардан табрик телеграммалари ва хатлар келди.

А. КИМ.

Қисқа сатрларда

◆ Тошкент. Пойтахтнинг Оқтепа массивида янги дорихона очилди. Аҳоли бу ердан турли дори-дармон-лар ва гигиенага доир зарур буюм-ларни сотиб олаётди.

М. Усмонов.

◆ Сирдарё. Тарас Шевченко номи колхоз правлениси янги мактаб ва колхозчилар учун 10 га яқин типовой уй-жой бинолари қуриб берди.

П. Раҳимов.

◆ Чиноз. Район марказида «Обла-потребсоюз» томонидан очилган ресторан меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлади.

Н. Мишарипов.

◆ Бенобод. «Победа» колхозининг «Искра» участкасини район маркази билан боғловчи 35 километрлик йўл асфальтланди. Бу йўлда автобуслар қатнови ҳам бошланди.

Ҳ. Маманазаров.

◆ Тошкент. Фармацевтика инсти-тутини студентлари учун тўрт қав-ватли ётоқхона биноси қуриб бит-казилди. Ётоқхонада ҳозир 500 га яқин студент истиқомат қилмоқда.

З. Нурматов.

◆ Бўна. Илчўк номи колхозда-ги 26-ўнбор Илчўк мактаб кен-гайитилди. Колхоз правлениси томонидан қўшимча 15 та хона қуриб берилди.

А. Эргашев.

◆ Оржоникидзе. Райондаги Ки-ров номи колхозининг Санъат участкасида янги ҳаммом қурили-нига туширилди.

К. Ортингов.

◆ Тошкент. Вокзал майдони бил-лан Сергели ўртасида автобус қат-нови йўлга қўйилди. Бу маршрут Вокзал-Аэропорт — «XXI партсъ-езд» совхози ордани Сергелига ўта-ди.

И. Рустамов.

АЭРОИОНЛАР

Ҳозирги вақтда сунъий қонлаш-тирилган ҳаво — аэрионлар билан турли касалликларни даволаш ва ундан профилактика мақсади учун фойдаланишга катта аҳамият берил-моқда.

Мамлакатимизда ўтказилган ил-мий конференцияларда ва бутун дунё конгрессларида аэрионлар кўп касалликларни даволашда жуда ах-ши натижалар бераётганлиги таъ-кидланди; бронхит, астма, гипертония, кишининг дони камайиб кет-ган ҳолатларда, бод касалликлари, уйқусизлик, жисмоний ва илмий чар-чилик, узоқ вақт битмаган айрим яралар ва бошқа касалликларни да-волашда аэрионлар кенг қўлланил-моқда ва бу шифобахш усул ахши натижалар бераётди.

Ер юзидagi, сувдаги ва ҳаводаги радиоактив моддалар, қушининг ульстробинафа нурлари, шаршарак ва тўғонларда сувнинг майда зарра-чаларга бўлиниши ва табиғатдаги бошқа ионизаторлар таъсирида аэри-онлар ҳосил бўлади.

Аэрионларни ўрганишда А. П. Соколовнинг хизмати каттадир. У курортларда ҳаво ионларини ўла-чаб, аэрионларнинг концентрацияси кўп эканлигини аниқлади ва кур-ортларда дам олаётган касаллар-нинг тузалишида аэрионлар муҳим роль ўйнайди деб айтди. Ипертония, бод ва бошқа касалликлар билан оғриган беморлар курортда бир ой дам олгандан сўнг қон босими нор-малашади, бош оғриги йўқолади, нормаль ухлайдиган бўлади. Шунинг учун ҳам курортлар кўпинча енгил аэрионларнинг концентрацияси кўп бўлган ерларда жойлашган бўлади.

Ҳавода манфий зарради енгил ионлар миқдорини сунъий равишда ошириш учун махсус асбоблар — аэрионизаторлар ва гидроаэриониза-торлар ҳам яратилди.

Сенситив бир неча хил гидро ва аэрионизаторлар чиқармоқда: Иккулал, Селузит гидроаэриониза-торлари, Рават аэрионизатори ва бошқалар шунлар жумласидир.

Сунъий ионизаторлардан манфий зарради ҳаводаги дивал мақсадида организмга жалб этишда қўлдан- берил-ди.



Жанубий Корея. Бу ерда америка империализмининг 16 йилдан бери давом этиб келатган ҳукмронлиги ва «америка ёрдами» мамлакат қишлоқ хўжалигини ва саноатини ийри-роғга учратди. Жанубий Корея да меҳнат қобилиятига эга бўл-ган олти миллиондан ортиқ меҳнатқилинчи яримис ишсиздир. Суратда: ишсизлар Сеул кўча ларида. Джалан Пресс агентлиги фотоси.

бири, сўнгра бир нечаси қимирлаб бошлайди.

Парадентоз касаллигини даволаш-да ҳозир тиамин, алоэ экстракти ва бошқа препаратлар ишлатилади. Алоэ экстракти милакка укол қилина-ди. Бу укол 20-30 марта берилди.

Бизнинг кафедрада оса доцент М. В. Бусугина раҳбарлигида па-радентоз касаллигини манфий зарра-ди гидроаэрионлар билан даволаш тажрибаван ўтказилди. Дастлабки синовлар қўнғончи натижалар бер-моқда.

Гидроаэрионлар билан даволаш-тириш тизимини тизимлашда милак қонай-ди, овқат еганда оғрийд, милак уюшади ва бўшаниб, кўкимтил тус-га киради. Кўпинча олдинги, яъни овқатни тишлаб олувчи тишларнинг

Г. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Тошкент медицина институти терапевтик стоматология ка-федрасининг ассистенти.

Ашула ўқитувчилари семинари

Пойтахтимизнинг Октябрь рай-онидида район мактаблари ашула ўқи-тувчиларининг семинари ташкил қи-линди. Семинарнинг биринчи маш-ғулотига ўқитувчилар ўз дара-жаси билан иш тажрибалари-ни ўртоқлашдилар. Музика ўқитув-чилари семинар раҳбари, ёш компо-зитор Ефим Шварцнинг «Мактабда ашула дарсини ўқитиш методикаси» ҳақидаги лекциясини диққат билан тингладилар. Сўнг уларга зона-вий темада яратилган қўшиқлар ўр-

гатилади. Жумладан улар «Менинг Ватаним», «Пионер дружиниси қў-тувчиларининг семинари ташкил қи-линиши», «Октябрь фарандлари» каби қўшиқларини пухта ўрганиб олиш-ди. Биринчи машғулот тингловчи-ларда ахши таассурот қолдирди.

Ашула ўқитувчилари семинари ҳафтаининг чоршанба кунлари рай-он пионерлар уюнда ўтказилиб тура-ди. Бу тадбир мактабларда музика таълими сифатини ахшилашда ижо-бий роль ўйнайди.

Ж. НАЖМИДИНОВ.

Халқаро ахвол

Гагарин «Юманите» газетхонларини табриклайди

ПАРИЖ, 31 декабрь. (ТАСС). СССР космонавт учувчиси комму-нист Юрий Гагариннинг янги йил муносабати билан «Юманите» газе-таси газетхонларига юборган табри-гини «Юманите-димаанш» газе-таси биринчи саҳифасида катта сар-лаҳда остида босиб чиқарди.

Космосга биринчи бўлиб парвоз қилган совет кишиси «Юманите» га-зетасининг газетхонларини самимий табриклайди ва уларга ҳамда улар орқали Франциянинг барча меҳнат-кашларига «тинчлик, бахт, шахсий ҳаётда ва курашда муваффақият» тилайди.

Газета қаҳрамон космонавтининг тарихий учин олдидан тушган ран-гли суратини босиб чиқарди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ФЕВРАЛДА УТКАЗИЛАДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Коломбодаги доимий бюроси Осиё-Африка ёзувчиларининг иккинчи конференцияси Қоҳирада 1962 йил февраль ойида чакришга қарор қилди. Машғулки, биринчи конференция 1958 йил октябр ойида Тошкент-да бўлиб ўтган эди.

Қоҳирада конференциянинг дастлабки кун тартибига иккита асосий масала киритилди: Тинчлик ва илмий мустақиллик учун Осиё ва Африка халқлари олиб бораётган курашда ёзувчиларнинг роли ҳамда Осиё ва Африка халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва маданият соҳасида бирлигини мустаҳкамлашда адабий таржиманинг роли.

Бундан ташқари, конференция қатнашчилари миллий мадания-тирини ривожлантириш ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларининг тарихини ўрганиш, шунингдек ёзувчиларнинг аҳоли масалаларини муҳофаза қилдилар.

Доимий бюронинг бош секретари Ратне Дешаприя Сенаяке-нинг хабар беришича, конференция таёрловчи халқаро комитет 1962 йил январининг бошида Қоҳирада ишга киришади.

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ГАВАНА, 31 декабрь. (ТАСС). Куба бирлашган революцион ташки-лотлари миллий раҳбарлигининг аъзоси Анибал Эскаланте «Куба социалистик революцияси бирлаш-ган партиясининг ташкилий принци-плари» деган темада халқ уни-верситетида лекция ўқиди.

Эскаланте радио ва телевидение орқали бутун мамлакатта эшитти-рилган ўзининг бу лекциясида айт-дики, ҳозирги вақтда мамлакатда иккита партия бор. Буларнинг бири революция партияси ва иккинчиси, асосан чет элларда иш олиб бораёт-ган реакция партиясидир. Револю-цион партиясининг, яъни бирлашган революцион ташкилотларнинг про-граммаси — социализм қуришидир; реакция партиясининг программаси — Кубани мустамлака режимига бу режимнинг ҳамма оқибатлари билан бирга қайтаришидир.

Бирлашган революцион ташки-лотлар — ишчилар синфининг аван-гардидир; мамлакатимизнинг маркс-чи-ленинчи партиясидир, бутун халқнинг партиясидир. Бу партия

Денининг партиясини куришдаги ташкилий принципларига, демократ-тик централизм принципларига асосланган. Партиясининг кўпчилиги ишчилар камбағал деҳқонлардан, шаҳарнинг оддий кишиларидан иборат бўлади.

Бирлашган революцион ташки-лотлар ташкилий жиҳатдан қуйида-ги равишда қурилган: Фидель Кастро бошчилигидаги миллий раҳбар-лик, ижроия борадорли бўлган ви-лоят комитетлари, маҳаллий мунис-ипал комитетлар ва бошланғич революцион ташкилотлар. Бошлан-ғич революцион ташкилотлар иш-лаб чиқариш принципи асосига қу-рилади. Шунингдек партиясиз таш-килотларда — хотин-қизлар, касаб-а союз, ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларда революцион аъейкалар бор.

Анибал Эскаланте коллектив раҳбарлик принципининг ва револю-ция сафларини ташкилий жиҳат-дан мустаҳкамлашнинг жуда катта аҳамияти борлигини уқтариб ўтди.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

ПАРИЖ, 1 январь. (ТАСС). Французлар учун янги 1962 йил озин-овқат маҳсулотларига бўлган нархларнинг янада кўтарилиши билан бошланди.

Миллий статистика институтининг маълумотларига қараганда, Янги йил байрами арафасида сариёғ ва бошқа сўт маҳсулотларининг, сабанот ва мезаларнинг, ҳаммаси бўлиб озин-овқат маҳсулот-ларидан йигирма тўрт хилнинг нархлари анча ошган.

ЛИВАНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ, 1 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбири-нинг Дамашқдан берган хабарига айтилишича, кеча эрталаб Ливан-да давлат тўғрисида қилган йўли-даги муваффақиятсиз урушнинг нати-жасида Ливан билан Сурия ўр-тасидаги чегара бениб қўйилган. Иккала мамлакат ўртасидаги ҳар қандай ҳаракат узилиб қолган.

АНГОЛА ВАТАНПАРВАРЛАРИ ЯНА ҲУЖУМГА УТДИЛАР

ПАРИЖ, 31 декабрь. (ТАСС). Ангола ватанпарварлари португа-лиялик мустамлакачиларга қарши уруш ҳаракатларини яна бошлаб юбордилар. Франс Пресс агентли-ги мухбирининг хабар беришича, Анголанинг қўзғолончи отрядлари Набуангоно районида португалия-ликларнинг гаянч пунктларига ҳу-жум қилганлар.

ПОРТУГАЛИЯ ВАТАНПАР-ВАРЛАРИНИНГ ҚўЗҒОЛОНИ

ПАРИЖ, 1 январь. (ТАСС). Пор-тугалия ватанпарварларининг бир гуруҳи Жанубий Португалиядаги Бежа шаҳрида қўзғолон кўтарди. Франс Пресс агентлиги мухбири-нинг хабарига айтилишича, бугун эрталаб қўзғолончилар шаҳардаги ҳарбий казармаларни босиб олган-лар; уларга Салазар режимига опози-цияда бўлган арбоблардан бири капитан Варела Гомес раҳбарлик қилган. Салазар ҳукумати бугун кун бўйи шаҳарга катта ҳарбий қисм-ларни юбориб турди. Португалия ҳукумати эълон қилган расмий ах-боротда, ҳозирги вақтда «ҳукумат қўшинлари қўзғолонни бостириб, Бе-жа шаҳрида мустаҳкам ўрнашиб ту-рибди» дейилди.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Журналистлар сою-зи правлениси ва «Тошкент ҳақи-қати» газета редакцияси билдира-диларки, Тошкентдаги илмий му-хбир журналистларнинг биринчи машғулотини шу йил 5 январь соат 16 да Журналистлар союзи матбу-от уйи биносида (Навоий кўчаси, 30) ўтказиб, уй №11 да бўлади.

Университетда ўқиниш ҳақлаган ўртоқлар шу йил 5 январьда ре-дакцияга ариза беришлари мум-кин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Таштентская правда») — орган Таштентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциянинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БўЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 29040, 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Сабанот ва транспорт бўлими, Адобет ва санъат бўлими ва Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 50, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 135. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълоплар бўлими — 28142.